

Мавзу:Педагогиканинг тараққиёт босқичлари. Шарқ ва Ғарб педагогикаси

Режа:

1. Юнонистон олимларининг таълим-тарбияга қўшган ҳиссалари
- 2.Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид фикрлари.
- 3.Исломда таълим-тарбия масалалари.Сўфийлик таълимоти
- 4.Европа уйғониш даври педагогикаси
- 5.Марказий осиёда уйғониш даврининг иккинчи тўлқинидаги маърифатпарвар олимлар

Асосий адабиётлар:

- Мунавваров А.Қ. Педагогика. Т.: 1996.
- Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. Т.: 1994.
- Хасанбоева О. Педагогика тарихидан хрестоматия. Т.: 1993.
- «Ўзбек педагогикаси тарихи». Муаллифлар гурӯҳи. Т.: 1995.
- Хошимов К. ва б. Педагогика тарихи. Т.: 1996.
- Ўзбек педагогикаси антологияси. Т.: 1995.

Кўшимча адабиётлар

- Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: 1992.
- Кайковус. «Қобуснома». Т.: 1982.
- «Амир Темур ўгитлари». Т.: Мерос 1992.
- Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий ахлоқий тарбияси. Т.: 1999.
- Мамедов К. ва б. Махсус педагогика асослари. Т.: 1994.
- Каримова В. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т.: 1999.

Педагогиканинг таракқиёт босқичлари барча ўқувчиларга таълим-тарбия бериш санъатининг тарихий жабҳаларда тутган ўрни ва таракқиётигининг ривожланиш қонуниятлари, педагогик фикр ва ғоялари ҳақида маълумот беради.

Ёшларга ахлоқий тарбия беришда давлат раҳбарлари маҳсус сұхбатлар үтказиб, шу йўл билан уларга ахлоқий ва сиёсий тарбия берар эдилар. Шунингдек, болаларни савол-жавоб жараёнида аник, қисқа ва лўнда жавоб беришга ўргатиб борилган.

Афинада мактаб тизими ва ундағи таълим-тарбия

Афинада дастлаб болалар (7 ёшдан 13-14 ёшгача) «грамматист» (грамматика мутахассислиги демакдир, савдо үқитувчisi маъносида) ва «Кифарист»(грекча музыка демак, музыка үқитувчisi маъносида) мактабларда үқитилар эди, бу каби мактабларда «дидаскал» деб аталған үқитувчилар машғулот олиб борар эдилар. Үғил болаларни мактабга қулларидан бири бошлаб борар эди, бундай қул педагог деб аталар эди (пайне-бола, агогейн-етаклаб бориш деган сўзлардан олинган).

Қадимги Юноистонда педагогика назарияларнинг туғилиши

- Қадимги Юноистон олимлари ва файласуфлари Сократ, Платон, Аристотель ҳамда Демокрит ўзларининг илмий асарларида, нутқларида тарбия ва таълим ҳакидаги фикрларини илгари сурдилар.

Сократ яратган аҳлоқий этика мактаби умумий фазилат ва хусусий фазилатлардан ташкил топади. У ҳар бир фазилатни у ёки бу турдаги билимлардан иборат эканлигини асослаб берди ва инсон энг аввало умумий этика мезонларини, инсон учун муқаддас бўлган барчага хос умумий фазилатларни билиши зарур, дейди. Унинг фикрича, инсонлардаги фазилат, яъни аҳлоқий фазилатлар фан туфайли, таълим бериш билан қўлга киритилганлиги туфайли, аҳлоқий ривожланиш аҳлоқ асосини ташкил этар экан.

Платоннинг фикрича давлатнинг максадли олий эзгулик ғоясига яқинлашишdir: бу ғоя, асосан, тарбия йўли билан рўёбга чиқишини таъкидлайди. Тарбия-дейди Платон, - давлат томонидан ташкил этилмоғи ва ҳукмрон гурухларнинг файласуфлар ва жангчиларнинг манфаатларини кўзламоғи лозим. Платон ўзининг педагогик системасида Спарта ва Афина системасининг баъзи бир белгиларини бирлаштиришга интилади.

Аристотель (Эрамиздан илгари 384-322)

Платоннинг шогирди бўлган, македониялик
Искандарни тарбиялаган, у қадимги
Юнонистоннинг йирик идеалист
файласуфи ва олими эди. Аристотель
**оламни яхлит деб билди ва нарсаларнинг
ғояларини нарсаларнинг ўзидан ажратиб
бўлмайди**, дейди. Аристотельнинг фикрича,
ғояни шаклга ўхшатиш мумкин. Ҳар қандай
буомда биз унинг моддасини ва формасини
кўришимиз мумкин.

Умуман антик файласуфлар Сократ,
Платон, Арастулар ўзларининг
назарияларида одам ҳар бир нарсада
ўз ҳузуриниң қули бўлиб қолмаслиги,
балки ҳар бир нарсада меъёр бўлмоғи
лозимлигини уқтириб ўтган эдилар.

Улар аҳлоқий инсонниң бахтга эришиш
воситаси деб қараганлар.

Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид фикрлари.

Шарқнинг бизгача етиб келган ўтмиш адабий меросида ахлоқий – таълимий – тарбиявий моҳият касб этувчи ривоятлар, накллар, насиҳатлар ҳамда ҳикматлар кенг ўрин олган. Урта Осиёда етишиб чиқкан мутафаккирлар А.Н.Фаробий, Абу Али Ибн Сино, А.Р.Беруний, Имом ал Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Б.Нақшбандий, Н.Кубро, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, А.Юғнакий, М.Қошғарий ва бошқаларнинг педагогик фикрлари, таълим-тарбияга оид ғоялари, қарашлари ҳамда мерослари талаба ёшларимизнинг ҳар томонлама маънавий шаклланишида ижобий таъсирини кўрсатади.

Абу Наср Форобийнинг педагогик қарашлари

- Олим таълим факат сўз ва ўрганиш билан , тарбия эса, амалий иш ,тажриба билан амалга оширилишини айтади ва тарбияни ҳар бир халқ , миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-ҳунарга ўрганишдан иборат деб хисоблайди.
- Тарбия эса амалий фаолиятда намоён бўлади, ёшларга у маълум иш-ҳаракат, касб-ҳунар, одоб орқали сингдирилади.


Абу Райхон Берунийнинг илмий-маърифий қарашлари.

- У ўз дидактик қарашларида табиат, жамият ҳодисаларига, турмуш воқеаларига холисона баҳо бериш – инсон табиатини билдирувчи омил эканини таъкидлаб , кишиларни воқеаларга мустақил ва онгли муносабатда бўлишига ундейди.
- Олимнинг таъкидлашича , сезги ўз қўзғатувчи аъзолари орқали юзага келади. Қўзғатувчилар бир меъёрда бўлса, ёқимли ва зарарсиз, агарда меъёрдан ортиқ бўлса, дардли ва ҳалокатли бўлади.

Абу Али ибн Синонинг педагогика қўшган хиссаси.

Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида инсон ҳаёти, унинг фаолияти фақат жамоада амалга ошиши ва ривож топиши мумкинлигини қайд қиласди. Инсон уни ўраб олган табиат ва табиий ҳодисалардан ташқаридаги нарсаларга муҳтожлик сезадики, бу нарсаларни факат меҳнат қилиш билан амалга ошира олмайди, уларни яратиш учун бошқалар ҳам иштирок этиши керак ёки жамоа ёрдам бериши лозим. Бунинг учун жамоа аъзолари ўзаро яхши муносабатда бўлишлари керак. Бу муносабат тил, маъноли овозлар орқали юзага келади. Яхшилик одамларни иноқликка, ёмонлик келишмовчиликка олиб боради. Ибн Синони таъкидлашича, яхши одат, яхши ҳулқ ва ёмон ҳулқ ҳақидаги тушунча, билимлар инсонда шу асосида шакилланиб боради.

Амир Темурнинг таълим-тарбияга қўшган ҳиссаси.



Амир Темур ва дастлабки темурийлар хукмронлик қилган давр Мовароуннахр тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки бу даврларда Самарқанд, Хирот шаҳарларида маданият, илм-фан ривожланиб борди. Шундай марказлашган, буюк давлатга асос солган Амир Темур Курогон ибн амир Тарағай 1336 йилнинг 9 апрелида ўша пайтдаги Кеш (Шахрисабз) га қарашли Хўжаилғор қишлоғида таваллуд топди. Отаси амир Тарағай ўзига тўқ, бадавлат киши эди. Онаси Тегина бегим бухоролик бўлган.